СССР Давлат китоб палатаси
9 АПР. 1991
Давлат матбуот палатаси УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 68 (10.064). • 1991 йил 9 апрель • сешанба • Баҳоси 6 тийин.

• *Ҳамма—жумҳурият ҳашарига*

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ қатор жамоат ташкилотларининг улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг бир юз йигирма бир йиллиги шарафига умумхалқ ҳашарини ўтказиш ҳақидаги Мурожаати барча меҳнат жамоалари қатори пойтахтимиздаги кекса корхоналардан бири — тўқимачилик комбинати ишчи-хизматчилари томонидан ҳам тўла маъқуллаб кутиб олинди. Улар бу хайрли ишда фаол қатнашишга қарор қилиб, шу куни қилинадиган ишлар режаларини тузмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг барча бўлинмаларида штаблар тузилди.

Умумхалқ ҳашарида ўз сафига ўнларча миллат вакилларини бирлаштирган ўн беш мингдан ортиқ тўқимачи қатнашади. Шу куни юзларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб топилган маблағ асосан корхона ишчи-хизматчиларининг турли хил ижтимоий эҳтиёжлари учун сарфланади. Унинг ҳисобидан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, комбинатда ишлаб, эндиликда кексалик пенсиясини олаётганларга, ногиронларга, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилади. Меҳр-шафқат, В. И. Ленин номли болалар жамғармаларига ҳам муайян миқдорда пул ўтказилади.

— Бу йилги умумхалқ ҳашари аввалги йиллардагига нисбатан анча самарали, барча ишчи-хизматчиларнинг фаол иштироки билан ўтишига қатъий ишонамиз, — дейишмоқда тўқимачилар. — Чунки илгари шанбаликларда ишлаб топилган пулнинг бевосита ўзимизга ҳеч қандай нафи тегмасди, қандайдир беш йиллик жамғармасига ўтказиларди. Бу гал топган маблағимизнинг деярли ҳаммаси жамоамиз ихтиёрида қолади, уни ўзимиз учун биринчи навбатда зарур бўлган юмушларга сарфлаймиз.

МАКТАБЛАР БОШЛАШДИ

ШУ КУНЛАРДА 8-, 9-, 15- ва 17 мактабларнинг муаллимлар ва талабалар жамоалари номи барча чирчиқликлар тилида. Улар шаҳарда биринчи бўлиб, жумҳуриятда умумхалқ ҳашари ўтказиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва шаҳардаги ҳамма корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар жамоаларини, барча чирчиқликларни халқимизнинг қадимги удумига қўшилишга даъват этдилар.

Ташаббускор мактаблар жамоасининг ҳар бири умумхалқ ҳашарида фаол қатнашишга аҳд қилди. Улар ўз билим масканларини тузатиш, ҳудудларини тартибга келтириш билан шуғулланадилар. Шаҳарнинг айрим кўчалари, хиёбонларию истироҳат боғларини супуриб-сидириш, мевали ва манзарали дарахтлар, шунингдек гул кўчатлари ўтказишда қатнашадилар. Юқори синфлар ўқувчилари ўз муаллимлари раҳбарлигида қурилишларда, саноат корхоналарида меҳнат жамоалари билан ёнма-ён туриб ишлайдилар. Шу куни ўнлаб тонна металл парчаларини йиғиб топширадилар.

Мактаблар жамоаларининг ташаббуси шаҳардаги барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар меҳнат аҳли томонидан маъқулланмоқда. Умумхалқ ҳашарини ўтказувчи шаҳар штабига келаётган хабарлар шундан далолат беряпти. Меҳнат жамоалари ҳашар куни амалга ошириладиган ишлар режаларини белгиламоқдалар. Ҳар бир жамоа халқимизнинг бу ажойиб анъанасига содиқ эканлигини яна бир бор намойиш қилишга астойдил аҳд қилганлигини изҳор этмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

5 АПРЕЛЬ КУНИ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА БИР ГУРУҲ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президентининг шу йил 19 мартдаги фармони билан вилоятимиз деҳқончилик-саноат мажмуининг ўрнак кўрсатган бир қатор ходимлари кўп йиллик ҳалол меҳнати, деҳқончилик-саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси, жамоат турмушидаги фаол иштироки учун мукофотланган эдилар.

Ўтган жума куни вилоят партия комитетида вилоят партия комитети ҳамда вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг барча аъзолари иштирокида ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди. Илғорларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиқлари билан, яна бир гуруҳи эса «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи» ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» унвонлари билан тақдирландилар.

Мукофотларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят партия комитети биринчи котиби С. М. Мамарасулов топширди.

СУРАТДА: тақдирланганларнинг бир гуруҳи.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

БЕКОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бекобод район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, вилоят агросаноат уюшмаси раиси бўлиб ишлаган М. Расулов район партия комитети биринчи котиби қилиб сайланди. Ж. Ж. Шарипов вилоят партия комитети котиби этиб сайланганлиги муносабати билан район партия комитети биринчи котиблигидан озод этилди.

Пленум ишида Тошкент вилоят партия комитети биринчи котиби С. М. Мамарасулов қатнашди.

Пленум тугаши билан район Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ўртоқ М. Расулов халқ депутатлари Бекобод район Советининг раиси қилиб сайланди.

Сессия ишида халқ депутатлари вилоят Совети раисининг ўринбосари Р. Қ. Турсунов қатнашди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» вилоят рўзномалари таҳририятлари жамоаларининг вилоят партия комитети раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда сўзлаган Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов ва вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова ҳозирги вақтда вилоят партия ташкилоти ҳал қилаётган муаммолар ва шу муносабат билан журналистлар олдида турган вазифалар тўғрисида муфассал гапириб бердилар, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Журналистларга «Ташкентская правда» рўзномасининг янги муҳаррири А. Т. Пукемов таништирилди. Илгари у «Молодёжь Узбекистана» рўзномасининг муҳаррири бўлиб ишлаган эди.

Учрашувда вилоят партия комитетининг котиби Ш. И. Жалилов қатнашди.

ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

6 апрель куни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журналистлар билан учрашув ўтказди. Унда жумҳурият рўзномалари ва ойномаларининг раҳбар ходимлари, марказий рўзномаларнинг мухбирлари, телекўрсатув ва радиоэшиттириш таҳририятининг вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда янги нарх-наволар белгиланиши муносабати билан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ва товарлар билан таъминлашга доир долзарб масалалар хусусида атрофлича фикрлашиб олинди.

Жумҳуриятнинг нарх-наво ишлари билан боғлиқ идораларининг раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

(ЎзТАГ).

ФАН, ТЕХНИКА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент вилояти Ленин комсомолининг 1991 йилги мукофоти совет фани, техникаси ва ишлаб чиқаришига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган илмий тадқиқот, лойиҳа ва технология ишлари учун 35 ёшдан ошмаган ёш олимлар, муҳандислар, ишлаб чиқариш мутахассисларига берилади.

Тошкент вилояти Ленин комсомолининг 1991 йилги мукофотини олишга тавсия этилган ишлар Тошкент вилояти комсомол қўмитаси комиссияси томонидан 1991 йил 1 майгача қабул қилинади.

Мукофотга лойиқ топилган ишларни шаҳар, район комсомол қўмиталари тавсия этади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 32-10-53, 33-08-72.

ЛУҚМА

ТОВУҚЛАР ЎЗ ИШИНИ ЯХШИ БИЛАДИ

Ҳар ҳолда Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ана шундай. Товуқлар ўз вазифасини бажараяпти: тухум қилаяпти.

Албатта, бунинг учун паррандаларга яхши қаров керак. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганлар. Бу ердаги конвейердан ҳар куни ярим миллион дона тухум олинмоқда. Уларнинг кўпи тошкентликлар эҳтиёжи учун жўнатилади.

— Ишлаб чиқаришда таназзул бўлмаслигига ҳаракат қилаяпмиз,— деди бирлашма касаба уюшмаси комитетининг раиси А. Ожерельев.— Ишлаб чиқаришни такомиллаштираяпмиз, ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаяпмиз.

Бу ерда бир қанча цехлар янгилана бошлади. Энди товуқ катаклари икки қават ўрнатилади, бу эса товуқхоналарни кўпайтирмай туриб, икки баравар кўп товуқни боқиш имконини беради. Голландиядан келтирилган тухум саралаш машинаси қўл меҳнатидан ҳалос қилди. Товуқларга бериладиган дон рационини компьютер тузади. Афсуски, товуқлар донининг сифати яхши эмас, чунки унга аралаштириладиган турли қўшимчалар ўз вақтида ва тўла етиб келмаяпти.

Идиш масаласи жуда ўткир бўлиб турибди. Қоғоздан ясалган тухум жойлаштириладиган идишлар Львовдан келтирилади. Сўнгги вақтда львовликлар бундай идишларни жўнатмай қўйишди. Бошқалар ҳам «тихирлик қилишаяпти»; эвазига натура ҳолида ҳақ тўлашни талаб қилишаяпти. Бунинг оти бартер деб аталади.

Ўз маҳсулотлари учун биздан тухум ёки парранда гўшти сўрашса майли эдия. Товуқ донига аралаштириладиган оҳакли моддаларни етказиб бериш учун биздан гилам, чойшаблар, мева ва сабзавот талаб қилишаяпти. Паррандабоқарлар гиламни қаердан олишади? Шуни ҳам айтиб қўяйлик, идиш йўқлиги сабабли тошкентликлар етиштирилган тухумнинг 30—40 фоизини кам олишаяпти.

Савдо корхоналари бўш идишларни қайтариб юбориши керак — шунга келишиб олинган. Лекин бундай қилишмаяпти. Бунинг оқибатида паррандабоқарлар натура хўжалигини барпо этишга мажбур бўлишаяпти: тез орада тухумларни жойлаш учун идиш тайёрлаб берадиган корхона ускуналари монтаж қилина бошлайди.

Умуман, товуқлар ўз ишини билади, лекин ҳамма одамлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Улар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмас эканлар, биз тухум харид қилиш учун навбатда туришга мажбур бўлаверамиз, ҳар ойда жон бошига 10 тадан кам тухум берилаётганидан нолийверамиз.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

• *Дала ишлари кундалиги*

БЕШ ИШ КУНИДА

ОҚҚУРҒОН. (Штатсиз мухбиримиз О. Тўрақулов хабар қилади). Ўтган йили «Коммунизм» колхози пахта планини бажара олмай қолди. Давлатдан салкам 700 тоннага яқин қарз бўлди. Агротехникада айрим хатоликларга йўл қўйилганлиги, ташкилий ишлар юксак даражада эмаслиги туфайли шундай аҳвол содир бўлди.

Бу йил хўжалик раҳбарлари ўзгарди. Тажрибали пахтакор, узоқ йиллар хўжаликларга етакчилик қилган Эргаш Ниёзов раис қилиб сайланди.

У дастлабки кунларданоқ фаолларга, тажрибакор деҳқонларга суяниб иш олиб бормоқда. Бу тадбир ҳозирнинг ўзидаёқ самарасини кўрсатаётир.

— Об-ҳаво қуруқ келмоқда,— дейди у.— Табиат биз учун жуда оз фурсат берадиганга ўхшайди. Биз шу фурсатдан унумли фойдаланиб, чигитни узоғи билан беш иш кунида экиб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ана шунда уруғликни ернинг табиий намига ундириб, кўкатларни бутлаб олиш мумкин бўлади.

Ҳозир далада 13 та агрегат ишлаяпти. Ҳар куни 180—200 гектар ерга чигит экиляпти. Меҳнатга яраша рағбат бўлаётир. Мавсум учун мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Бу шартларга кўра чигитни вақтида экиб, 1 майга қадар текис ундириб олган бригада жамоасига, агар у биринчи ўринни олса 500 сўм, иккинчи ўринни олган жамоага 300 сўм берилади. Шунингдек, механизаторлар, сеялкачилар, ерни экишга тайёрлаб берувчиларга ҳам мусобақа якунига қараб мукофотлар берилади.

ЧИГИТ ЭКИЛЯПТИ

БЎКА. (Телефон орқали олинди). Бу йил районда 55 минг тонна пахта етиштирилади. Бу ўтган йилдагидан анча камдир. Пахтадан бўшаган ерларнинг бир қисми томорқа участкаларига бўлиб берилмоқда. Қолган ерларда эса сабзавот, полиз, чорва учун озуқа экинлари етиштирилади.

Айни кунларда районда чигит экиш қизғин бораётир. Далаларда 350 дан ортиқ агрегат ишлаяпти.

Экишни Фрунзе номли, «Ленин йўли», Темирязев номли колхозларнинг деҳқонлари бошлаб берган эдилар. Улар бу ишни биринчилар қаторида ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Дарҳақиқат ҳозирги кунинг ҳар соати пахтакор учун ғаниматдир. Муҳими сифатга эътибор зарур.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозида мавсум олдидан бўлиб ўтган йиғилиш-кенгашда тажрибакор пахтакорлар, механизаторлар, экипаж аъзолари қатнашган эди. Шу кенгашда мутахассислар сўзга чиқишиб уруғлик чигитни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш заруррлигини уқтирдилар. Ҳамма ерда бу кўрсатмага амал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Уруғлик чигит махсус ўраларга солиниб, уч босқичда сув пуркалиб, димлаб, ивитилади. Бу иш қондага қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилса, экилган чигит тез ва бехато униб чиқади. Демак, кўчат бут бўлади. Ҳосилдорликни оширишда бу муҳим омилдир. Шунинг учун ҳам мутахассислар мазкур тадбирнинг амалга оширилишини қатъий назорат қилиб бормоқдалар. Ҳар куни районда 3—3,5 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экилмоқда.

Хўжаликларда экиш экипажи аъзоларига зарур шароитлар яратиб берилаётир. 3 маҳал иссиқ овқат ташкил этилмоқда.

КАНОПНИНГ ЯНГИ НАВИ

ЖУМҲУРИЯТ ТОЛАЛИ ЎСИМЛИКЛАР ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ ОЛИМЛАРИ КАНОПНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН 21—42» ЯНГИ НАВИНИ ЯРАТИБ РАЙОНЛАШТИРДИЛАР

Бу масъулиятли ишни амалга оширишда селекция лабораторияси ходимлари — биология фанлари номзоди Л. В. Семенихина ҳамда тадқиқотчи олим Н. П. Филушкинлар фаол иш олиб бордилар. Бу йил Тошкент вилоятида 7452 гектар майдонга каноп экилади. Унинг 40 фоизини янги нав каноп ташкил этади.

Хўш, мазкур канопнинг ўз ўтмишдоши «Ўзбекистон 15—03» навидан афзаллиги нимада?

Тажриба станциясида бу саволимизга қуйидагича жавоб беришди: канопнинг илгариги нави касалликка чалинувчан эди, авжи ўсимлик бўй чўзиб тола тўплаш вақтида айрим далаларда илдизи чириб, ёнбошлаб қолар, ўрим палласида қатор қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Бунинг устига толасининг сифатини жуда яхши деб бўлмасди.

Канопнинг янги нави пишиқ, турли касалликларга бардошлидир. Олимлар буни пухта синаб кўрдилар. Самара кутилганидан знёд бўлиб чиқди. Энг муҳими — ҳосилдорлик 20—25 центнер ортди.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

● Майдонларни барвақт тайёрлаган Пискент районининг Навоий номли колхоз аъзолари чигит экишни қизғин олиб бораяптилар. Уруғликни ернинг намига ундириб олишни мўлжал қилган пахтакорлар мавсумни 7 ишкунида якунлашни режалаштирганлар. СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) хўжалик раиси Ш. Эсеркепов, механизатор С. Исроилов, 14-бригада аъзоси А. Айнаев. Ўн томондаги суратда сеялкага уруғлик солиш пайти тасвирланган.

Суратқаш А. МАЛЬЦЕВ.

Эртага Қизил Ярим ой жамияти вилоят комитетининг XXI ҳисобот-сайлов конференцияси очилади

ҚИЗИЛ ярим ой жамияти вилоят комитети эртага ўзининг 1989—1990 йиллар мобайнидаги фаолияти юзасидан ҳисобот беради. Утган вақт бу ташкилот аъзолари учун зое кетмади. Буни жамиятга, рўзномамиз муҳаррирйятига ёлғиз қарияларданқ кўп болали оналардан келаётган миннатдорчилик мактублари ҳам яққол исботлаб турибди. Улар меҳр-шафқат туйғуси билан астойдил ҳамият кўрсатаётган ҳамширалардан, вақти-вақти билан кексаларни бир пиёла чойга таклиф қилиб кўнглини кўтараётган жамият фаолларидан хурсанд бўлиб ёзмоқдалар. Узларига кўрсатилаётган моддий ёрдам, эътибор учун бу саховатли кишиларга раҳмат демоқдалар.

Албатта, ҳар бир инсон ёши бир жойга борганда қалби нозиклашиб қолади. Бунинг устига муруввата, моддий ёрдамга муҳтожлик ҳам сезади. Айниқса, ҳозирги мураккаб даврда бу ҳол янада яққол ҳис этилаётир. Шундай пайтда Қизил ярим ой жамияти вилоят комитети уюшқоқлик билан олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқдир. Ёлғиз кексаларга ёрдам мақсадида уюштирилаётган марафонлар, хайрия кечалари жамиятни қўллаб-қувватлаш йўлидаги ибратли тадбирлардир. Турли фалокатлар туфайли зарар кўрган районларга, ночор оилаларга кўмаклашиш, болалар уйи, интернатлар учун керакли жиҳозларни сотиб олиб бериш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Жамият жонкуярларининг бундан буёнги режалари ҳам аниқ. Қуйидаги саҳифада ана шу саховат эгаларининг фаолияти, келгуси иш режалари ҳақида ҳикоя қилинади.



● Вилоят Қизил ярим ой жамияти Оржоникидзе район бўлими меҳр-шафқат ҳамшираси Барно Умирова ёлғиз кексаларнинг жони-тани. У қарияларни фақат даволаб қолмай, бошқа юмушларини ҳам бажаришга доимо шай. Бу ҳислатлари билан ҳамшира катта ҳурмат қозонган. Суратда Б. Умирова ёлғиз кексалар билан мулоқотда.

ШАФҚАТНИ КЎЗЛАБ ТУҒИЛГАН

Қизил ярим ой жамияти Тошкент вилоят комитети раиси Флюра ШУКУРУЛЛАЕВНА ЛАТИПОВА билан мухбиримизнинг мулоқоти жамият ташкил этилган дастлабки йиллар, унинг тараққиёт йўли ва бугунги режалари хусусида бўлди.

Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Флюра Шукуруллаевна, Қизил ярим ой жамияти Тошкент вилоят комитетининг энг оғир пайтларда бошига мусибат тушганларга, бировнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолган ёлғиз кексаларга доимо ҳамдард, ҳамнафас бўлишини, ўзининг амалий ёрдамини аямаслигини кўпчилигимиз биламиз-ку, аммо бу ташкилотнинг туғилиш жараёнидан унчалик воқиф эмасмиз. Шунинг учун суҳбатимизни жамиятнинг ўтмишидан бошласак.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда жуда кўплаб кишиларни ўз муруввватидан баҳраманд қилиб турган Қизил ярим ой жамияти вилоят комитети эсласа арзигудек тарихий йўлни босиб ўтди. Унинг шаклланишида инқилобдан анча аввал, Қизил ярим ой жамияти Туркистон округи бошқармасининг 1890 йилнинг 18 декабрида чақирилган биринчи кенгаши муҳим роль ўйнади. Унда ўлкада меҳр-шафқат ҳамширалари уюшмасини ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди. Уюшма аъзолари тинчлик вақтида ўз бурчини адо этишларидан ташқари, уруш бўлиб қолгудек бўлса, касаллар ҳамда ҳарбий ярадорларга ёрдам кўрсатиш бўйича кўпроқ ҳозирлик кўришлари лозим бўларди. Аммо бу ташкилот фақат 1896 йилга келиб, ўзи учун бошпана сотиб олингандан кейингина шаклланди. Дастлаб унга 9 та ҳамшира аъзо бўлди. Улардан беш нафари уюшма очган амбулаторияда беморларга биринчи ёрдам кўрсата бошлади. Вабо, қизамиқ ва бошқа касалликларга қарши курашда фаол қатнашдилар. Лекин жамият оммавий ташкилотга айланмади, балки айрим бойларнинг маблағи ҳисобигагина кун кўриб келди. 1922 йилда Қизил ярим ой Россия жамияти ўша вақтдаги Туркистон республикаси ҳудудида ўз ваколатхонасини очди ва вилоятларда ишни юритишга кўмаклашди. Даҳшатли юқумли касалликларга қарши курашувчи, ночорларга ёрдам кўрсатиш ташкилотларини тузиш мақсадида мусулмон аҳолисини шафқат жамиятларига жалб эта бошлади. 40-йилларга келиб Тошкент вилоятида бундай жамият фаолияти йўлга қўйилди ва корхоналар, муассасалар, мактабларда унинг бошланғич ташкилотлари тузилди. Улар безгак, трохома, сил, ич терлама, тери касалликларига дучор бўлган минглаб беморларнинг кунига ярадилар. Ушандан буён жамият аъзолари сони йилма-йил ўсиб бормоқда. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 963 минг нафардан кўпроқдир.

— Аъзоларнинг вазифалари ҳақида нима дея оласиз? Мен бу саволни бежиз бераётганим йўқ. Кўпинча Қизил ярим ой жамиятига аъзо бўлганлигини ўзи билмай қоладиган кишилар ҳам учрайди. Баъзан ойлик берилаётганда 30 тийинлик маркани улашиб, маошдан шунча тийинни ушлаб қолиш ҳоллари юз беради. Негадир, шундай пайтларда Қизил ярим ой жамиятининг қадри тушиб кетаётгандек туюлади менга. Сизнингча унинг обрўсини кўтариш учун нима қилиш керак?

— Жамиятга аъзо бўлганлар асосан ишчилар, колхозчилар орасида санитария маорифи бўйича тушунтириш ишлари олиб борадилар. Меҳнаткашларнинг турмуш ва иш шароитлари қулай бўлиши учун бор имкониятлардан фойдаланадилар. Бундай масалаларни раҳбарлар олдига қўядилар. Лекин кўпроқ санитария маорифи иши курслар очиб, ҳамширалар тайёрлашда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жамиятга қабул қилинганлар орасида донорлик ҳаракати мустаҳкам оёққа туриб олганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. 1980 йилда 60,5 минг донор бўлган бўлса, ўтган йили бу рақам 1,5 баробарга кўпайди. Кўриб турибсизки, жамиятимиз бажараётган ишлар кўлами анча кенг. Бундан ташқари санитария маорифи масалаларини турли хасталиклар ҳақидаги рисолалар, адабиётлар билан ҳам таъминлаб келаяпмиз. Сиз бошқа нозик масалага эътиборимни қаратдингиз. У ҳам бўлса жамиятнинг қадри, обрўси ҳақида. Тўғри, йиллар давомида ҳали кўпчиликда маданий, тиббий савиянинг етарли бўлмаслиги туфайли Қизил ярим ой жамиятига бефарқ қараш ҳоллари рўй бериб келди. Аммо Арманистон зилзиласи, Тожикистондаги Шарора фожиаси, Бўстонлиқдаги сув тошқини, Назарбек зилзиласи ва бошқа фалокатлар натижасида бизнинг жамиятимиз хизмат моҳияти яққол кўзга ташланди. Унга нисбатан кишиларнинг дунёқараши ўзгарди. Ёлғиз қарияларга ҳамшираларни биркитиб қўйиш, уларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб туриш, бетоб бўлса соғлиғини тиклаш учун астойдил ҳаракат қилишдек ҳайрли ишларимиз кишилар кўз ўнгида рўй бермоқда. Эндиликда аъзолар ажратаётган жуда камтарона маблағлар билан чекланиб қолмасдан, кўпчилик жамиятга ўзи ихтиёрий ёрдам ҳам кўрсатаяпти. Энди бу жамиятнинг мавқеи ошмоқда, деб ўйлайман. Қораверса, кўп йиллар мобайнида бизнинг ишимизни матбуот яхши ёритмасди. Ҳозир бу масалада ҳам ўзгариш юз бермоқда, фаолиятимиз тарғиб этилмоқда, рўзномаларда турли хайрли ва савобли ишлар кенг оммалаштирилмоқда.

— Сўнгги йилларда жамиятнинг энг катта ютуқларидан бири меҳр-шафқат ҳамшираларини ёлғиз қарияларга, бетоб, ўрнидан туролмайдиган уруш ва меҳнат фахрийларига биркитиб қўйиш бўлди. Бундай хайрли иш ҳақида рўзномамиз илгари ҳам катта-кичик мақолалар берган. Шу муносабат билан Сизнинг диққатингизни фақат қайси бошланғич ташкилотларда иш яхши йўлга қўйилгани ва кимларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш ниятида эканлигингизга қаратмоқчиман. Эртага бўладиган анжуман олдидан уларнинг номини тилга олсак, арзийди, деб ҳисоблаймиз.

— Раҳмат. Ўзингизга маълум, вилоят соғлиқни сақлаш ходимларига кўмакдош бўлиш мақсадида 1962 йилдаёқ ёлғиз беморлар, уруш ва меҳнат фахрийларини уйларида даволаш бўйича меҳр-шафқат ҳамширалари ҳаракати йўлга қўйилди. 1988 йилгача Тошкент вилоятида Қизил ярим ой жамиятининг 20 нафар ана шундай ҳамшираси 400 нафар уруш ва меҳнат ногиронларига хизмат кўрсатаётган эди. Эндиликда улар сони 122 нафарга етди ва 1757 кишига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундай ҳамширалар фаолияти жамиятимиз ва даволаш муассасаларининг малакали нажоткорлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Кузатишлар Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларидаги ва Тошкент районидаги бошланғич ташкилотларимиз бир мунча самарали хизмат қилаётганликларини кўрсатди. Биз уруш ва меҳнат ногиронларидан тез-тез миннатдорчилик хатлари олиб турамиз. Улар жамиятнинг фаол аъзолари — Т. Осипова, М. Абдужабборова, Л. Чепурнаева, Р. Акбарова, И. Лисовая ва бошқалар хизматидан мамнунлар. Биз ҳам улардан хурсандмиз.

— Кейнинги йилларда жамият моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам анча фаоллашди. Шу хусусда қисқача тўхталсангиз.

— Ҳа, моддий ёрдамимиз ҳақидаги фикрингиз тўғри. Биз Арманистон аҳолиси бошига кулфат тушганда баҳоли қудрат кўмаклашдик. Назарбек зилзиласидан сўнг зарар кўрган хонадонларга ёрдам кўрсатиш учун 10 минг сўм, Бўстонлиқдаги сув тошқинидан зиён кўрганларга 20 минг сўм, меҳнати туркларига 5 минг сўм миқдорида ёрдам бердик, Оҳангарондаги кексалар интернатига 10 минг сўм, вилоят болалар уйига 2 минг сўм ажратдик. Эл меҳр-шафқатига таяниб, бундан буён ҳам саховатли ишларимизни давом эттираверамиз. Сўзимни хулосалаб шуни айтмоқчиманки, эртага бўладиган анжуманимизда жамиятимиз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилади. Бу анжуманнинг асосий мақсади ҳозирги мураккаб шароитда муҳтож кишиларга, ёлғизларга, боқувчиси йўқ кўп болали оналарга ёрдам қўлини чўзиш, халқимиз дилида меҳр-шафқат туйғусини янада кучайтиришга қаратилади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни С. ҲАСАНОВ олиб борди.

ТАРИХ ЙИЛНОМАСИДАН

● Кейнинги йиллар ичида Қизил ярим ой жамияти фаоллари учун турли тавсияномалар, рисолалар ҳам нашр этилмоқда. Бу ташкилотнинг энг илғор фаоллари тажрибалари оммалаштирилаётир. Суратда Қизил ярим ой жамияти аъзоларидан бир гуруҳи янги рисолаларни кўздан кечиришмоқда.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ХИЗМАТИДАМИЗ

Куч-қувватдан қолиб, бош ёстиққа етиб келганда ёлғизлик азоби кўпроқ сезилади. Ҳар бир инсон барча ишни бажаришга қодир бўлган навқиронлик чоғида дунёда ундан бахтли киши йўқдек туюлади. Аммо ҳаёт қонуни ҳамма учун бирдир. Бора-бора инсон кексаяди, кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Ушанда меҳр-муҳаббатингни бериб улғайтирган фарзандинг оқибатли бўлса, нур устига аъло нур. Аммо бешафқат чиқса бундан оғир азоб йўқ. Хўш, ана шундай пайтда ёлғиз қарияларга ким мададкор бўла олади? Албатта, бундай инсонлар кунига партия ва ҳукуматимиз, меҳрибон кишилар ярайди. Буни меҳр-шафқат туйғуси билан фаолият кўрсатаётган Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилоят Комитети миссолида яққол кўриш мумкин.

Жамиятимизда бундан бир йил аввал ёлғиз яшовчи кексаларга беминнат хизмат кўрсатувчи меҳр-шафқат бўлимининг ишини яхшилаш бўйича кенгайтирилган тадбирлар белгиланган эди. Унинг самараси ёмон бўлмаяпти. Ҳозирги кунда вилоятимизнинг шаҳар ва районлари бўлимларида 125 нафар тиббий ҳамшира, ҳамда 40 дан ортиқ озодаликни сақловчи кичик ҳамшира қарияларга хизмат кўрсатишмоқда. Уларнинг вазифалари аниқ. Агарда ёлғиз яшовчи кексалар бетоб бўлиб қолишса, зудлик билан участка врачини чақириб беришади. Шифокор беморни кўриб, дори-дармонлар буюргач, уларни дорихоналардан олиб келиш ва муолажалар қилиш ҳам ана шу ҳамширалар зиммасида. Умуман, касал соғайиб оёққа тургунча меҳр-шафқат ҳамширалари тиниб-тинчишмайди. Қизларимиз қарияларнинг пенсия пулларини ҳам олиб келиб беришади.

Бугунги кунда вилоятимизда яшовчи 1600 дан зиёдроқ ёлғиз яшовчи қарияга ҳамда кам даромадли кўп болали оналарнинг 92 нафарига ана шу хожатбарорлар мунтазам меҳр-оқибат кўрсатиб келишяпти.

Баъзан рақамлар кетмакет қайд этилса зерикарли туюлиши мумкин. Лекин мен келтирадиган мана бу рақамлар замирида мунтазир кўзларга чин дилдан ёрдам бериш, беором жонларга малҳам бўлиш туйғуси ўз ифодасини топган.

Шу йилнинг ўзида ҳамшираларимиз кексалар уйига 150 минг маротаба бориб хизмат кўрсатишди. Уларнинг кўмагида 304 та ёлғиз яшовчи қария даволаниш учун ётқизилди. 88 нафар кексанинг дам олиши учун йўлланмалар берилди. 89 нафар кексага ясама тиш қўйиб бериш, 100 нафарга яқин ёлғиз қариянинг янги қонунлар асосида нафақасини олиш учун қайта ҳужжатлар тайёрлашда ҳам Қизил Ярим ой жамияти вилоят комитети жонбозлик кўрсатди. Турли жойлардаги қарияларга жойлаб қўйилган 12 нафар мўътабар ота ва оналар, истиқомат қилаётган турар жойлари шинамгина тузатиб берилган 94 нафар кексалар, эндиликда телефон хизматидан фойдаланаётган 7 нафар қарияларга ҳамширалар хизматидан айниқса миннатдорлар.

45 та ёлғиз яшовчи қарияга Қизил Ярим ой жамиятидан 2000 сўмдан кўпроқ ёрдам пули ҳам ажратилди. Биз кўнгли яримта кишиларнинг дилига заррача бўлса-да таскин бериш учун ҳаракат қиляпмиз. Уюштирилаётган экскурсиялар, вақти-вақти билан ташкил этилаётган бир пиёла чой, бепул овқатлантириш маросимлари шулар жумласидандир.

Шу йил 2 март куни Ғазалкент шаҳрида кексаларга бир пиёла чой қуйиш тадбири бўлиб ўтди. Биз бу ерда иккита бир-бирига қисматлари тўғри келган қарияларнинг бошини қовуштириб қўйишдек савоб ишга ҳам ҳисса қўшдик. Шу районда истиқомат қилувчи Мария Ивановна Волкованинг ўз қарамоғидаги икки ногирон Боголюбовларга мажруҳлар аравачасини олиб берганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ғалаба районида эса Свердлов номли колхоз маъмурияти қарияларга бепул ўтин, кўмир ажратиб берди. Бу ерда маиший хизматнинг баъзи турлари бўйича кексаларга бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Идора раҳбарларининг қарорига мувофиқ ёлғиз қарияларга минг сўм ёрдам пули ажратилди.

Шуни айтиш керакки, Қизил Ярим ой жамияти орқали муҳтожларнинг эҳтиёжини қондиришга катта ҳисса қўшаётган Янгийўл шаҳридаги оёқ кийимлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, меҳнат кооперативи, вино ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Оржоникидзе районидаги «Лимонарий» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотлардан биз чин дилдан миннатдормиз.

Айни пайтда ана шундай саховатли бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, қалблари меҳр-шафқат ҳиссиёти билан тўлган кишилар кўпайиб бориши тарафдоримиз. Уларга Қизил Ярим ой жамияти жамғарма ҳисоб рақамларини эслатиб қўймоқчимиз: 000700853, код 734279 турар жой банки. Ёлғиз қолган кексалар учун муруввватингизни аяманг, азизлар!

Шоҳида ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти қўмитасининг ранс ўринбосари.

ЁРДАМИМ ТЕГСА СЕВИНАМАН

Қизил Ярим ой жамияти вилоят комитетининг Ангрен шаҳрида ташкил этилган меҳр-шафқат бўлимида ҳамширалик қилаётганимга энди уч йил бўлади. Лекин умумий иш стажим 30 йилдан ортиқдир. Ёлғиз кексаларга шафқат кўрсатиш соҳасига қалбим амри билан ўтдим. Бу сўзларим бироз баланд-парвозроқ туюлсада, лекин хизматимдан ўзим ҳузур қилганлигим учун дилим ифтихорга тўлиб гапиряпман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қариганда биров бировга зор бўлиб ётса яхшими? Ҳеч кими йўқ одамга илиқ сўзинг, дардига малҳам бўлишинг билан дилинг яйрайди-ку, ахир. Менинг қарамоғимда ўн нафар ёлғиз қария бор. Уларнинг ҳали сўнмаган орзулари, ниятлари билан яшайман. Кексаларни руҳлантираман. Нима хизматлари бўлса, малол келмайдиган қилиб бажараман. Афсуски, қисматда қора кунлар ҳам йўқ эмас. Бундай пайтларда уларга худди ўз қадрдонларимдек дил-дилимдан ачиниб, кўз ёши тўкаман. Чунки инсон-инсонга меҳр риштаси орқали боғланиб қолади.

Шу кунларда 88 ёшга кирган А. В. Боголюбова деган ёлғиз кексанинг умрига иложи борича тасалли берувчи сўзларим билан умр кўшаяпман деб ўйлайман. Бу аёл икки фарзандини ерга қўйган. Бир невараси эса Мўғилистонда армия хизматида. Унинг келишини интизорлик билан кутмоқда. Мен «у албатта, келади, сиз уни кўрасиз, соғайиб ҳам кетасиз», деб қарияни ишонтираман. Унинг сўлғин чеҳрасида оз бўлса-да табассум пайдо бўлади. Кекса қалбга ишонч бахш этиш эса менинг бурчим ва бахтим.

Ольга ШИТЦ,
шафқат ҳамшираси.

* * *

РАҚАМЛАР ШАРҲИ

● АНГРЕН. Шаҳарда 1000 нафар кўп болали она, 198 нафар етимлар, 17 нафар ногирон «афғон»чилар, 186 нафар ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оилалари, 320 нафар ёлғиз қариялар, 176 нафар Улуғ Ватан уруши ногиронлари истиқомат қилишмоқда ва улар моддий ёрдамга муҳтож. «Химик» стадионида ўтказилган марафондан 90 минг сўм Қизил ярим ой жамияти шаҳар комитетининг ҳисобига тушди ва бу маблағ юқоридагиларнинг эҳтиёжи учун сарфланади.

● БЎСТОНЛИҚ. Меҳр-шафқат ҳамшираси Тамара Вафина 81 ёшли ногирон Геннадий Иванович Князев билан кекса аёл Надежда Исаевна Малишкинанинг турмуш қуришларига сабабчи бўлди.

● ЧИРЧИҚ. Ёлғиз қариялар ўзларининг озгина нафақаларига баъзан зарур нарсаларни ололмайдилар. Уларнинг моддий аҳволини озгина бўлса-да яхшилаш учун Қизил ярим ой жамияти шаҳар комитетида ҳисоб очилди. Унга корхоналар маблағ ўтказиб турибдилар. Шаҳар ширкатлари касаба уюшмалари комитетининг раиси Л. В. Есипова 1990 йил 1 декабридан буён икки нафар меҳр-шафқат ҳамширасига ойлик тўлаб бормоқда. Бу эса яна кўпроқ ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатишни таъминлади.

● ҒАЛАБА. Меҳр-шафқат ҳамширалари Турсуной Мухатова ҳамда Қорахон Тунгатоваллардан ёлғиз қариялар миннатдор. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ногиронлар кўнглини олишяпти, уларга мадад бўлишмоқда.

ЖОНГА-ЖОН БАҒИШЛОВЧИЛАР

Бемор ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, сўниқ кўзлари илтижоли боқаётган бир пайтда уларга нажот бахш этувчи ажойиб фазилатли кишилар тоифаси бор. Улар қон берувчилар, яъни донорлардир. Ана шундай меҳрибон фидойи инсонлар бизнинг вилоятимизда ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шуни айтиш керакки, донорлик ҳаракати асосан Улуғ Ватан уруши йилларидан кейин фаоллашди. Бу ташаббус дарҳол кенг қулоч ёйиб кетди дейиш қийин. Чунки аҳолига бу савоб ишнинг моҳияти етарлича тушунтирилмаган эди. Кейинчалик тарғибот ишларини олиб бориш Қизил Ярим ой жамияти вилоят комитети зиммасига юкланди. Эндиликда ихтиёрий равишда қон топширувчилар сони Тошкент вилоятида 50 минг нафар кишидан ошиб кетди. Бу минглаб беморлар — катталару-кичикларнинг ҳаётга қайтарилиши демакдир. Айниқса, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка шаҳар ва районларида донорлар сафи кенгайиб бораётганлиги қувончлидир.

Бугунги кунда Манас Қуролбоев, Наримон Малашевларнинг номи фақат «Чирчиксельмаш» заводида ёки Надежда Григорьевна Серебрякованинг исми фақат Олмалиқ шаҳридаги сил касалликларига қарши диспансердагина эмас, бутун вилоятимизда ҳам таниқлидир. Биз Олмалиқ темир-бетон конструкциялари ишчиси Валентина Мазула, Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи Мария Канаплицкаялардан ҳам беҳад хурсандмиз. Улар 50 мартадан ортиқ ихтиёрий равишда қон топшириб, «СССР Фахрий донорлари» деган юксак унвонга сазовор бўлишган.

Шу билан биргаликда ўтган йили донорлик ҳаракатида суслик сезилганини ҳам қайд этмоқчиман. Бунга асосан иккита омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, вилоятда СПИД аломатлари пайдо бўлаётганлигидадир. Бу касаллик тарқалиши муносабати билан донорлар «Яна бошимизга бало орттирмайлик» деган ҳаёл билан қон топширмай қўйган ҳоллар бўлди. Аммо бу ҳаёлдан тезда воз кечиш керак деб ўйлайман. Чунки қон топширадиган станцияларимизда СПИДга қарши ҳамма чора-тадбирлар кўрилган. Бу ерда бир марта қўлланилиб қон оладиган махсус аппаратлар мавжуд. Бунинг устига олинган қоннинг ҳар томчиси албатта чуқур текширилади.

Вилоятда қон топширувчиларнинг камайишига иккинчи сабаб саноат корхоналарининг хўжалик ҳисобига ўтишлари билан боғлиқдир. Маълумки, донор ўртача ойлиги сақланган ҳолда икки кун муҳлат билан ишдан озод қилинади. Демак, корхоналар ҳамда давлат ана шу кунларда гўё ютқазгандек бўлади. Бу мулоҳаза ҳам тўғри эмас. Чунки корхоналар ва бошқа муассасалар маъмуриятлари донорлар энг саховатли ишни бажараётганликларини ҳис этишлари керак. Шу билан биргаликда, қон қуйиш, яъни қон олиш бригадаларининг маълум жадвал асосида жойларга чиқиш тартибига ҳам риоя этилмаяпти. Булар меҳр-шафқат ҳаракатини кенг қулоч ёздиришга тўсқинлик қилмоқда.

Бугунги кунда донорлик ҳаракатини авж олдириш энг муҳим вазифадир. Агар вилоятимизда бу ҳаракат ўзининг аввалги суръатига етсин десак, аввало қон топширувчиларга бериладиган маблағни кўпайтиришимиз лозим. Ахир, уларга тушлик учун борйўғи уч сўмгача пул бериш, аниқроғи, бир сўм қирқ тийин миқдорида пул ажратиш инсофданми? Қолаверса, биз донорларни имтиёзлилар рўйхатига киритиш, улар учун зарур бўлган ҳолларда 50 фоиз арзонлаштирилган нархда дори-дармонлар билан таъминлаш тарафдоримиз. Халқимизда «иссиқ жон» деган гап бор. Бугун соғ одам эртага бемор бўлиб қолиши мумкин. Ана шуни ҳисобга олиб ҳам донорларга бўлган эътиборни кучайтирайлик.

Х. ИСМОИЛОВА,
Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилоят комитетининг йўриқчиси.

• *Чорвачилик «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

● Ленин номли колхоз Бекобод районидаги йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. 1990 йилда хўжалик чорвадорлари давлатга 1680 тонна сут топширдилар. Чорвадорлар ҳозирда ҳам режадаги кундалик сут топшириш кўрсаткичини камайтирмаётирлар. Суратда: суттовар фермаси бригадири (чапдан иккинчи) Ф. Ҳасанов, соғувчилар И. Тожибоева, Б. Шербоева, Т. Ибрагимова.

Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.

ОМИЛКОРЛАР

БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ УЛУҒБЕК НОМЛИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДА СУТЧИЛИКНИ ФОЙДАЛИ ТАРМОҚҚА АЙЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

ИККИ четида қатор-қатор арчалар гуркираб ўсаётган йўл билан бориб, кенг майдонга чиқдик. Эндигина битказилиб, ўқув ашёлари билан жиҳозланаётган янги мактаб, жадал қурилаётган боғча, қишлоқ ёшларинни спорт соғломлаштириш комплекси, янги уйларни кўрсата туриб, Сирожиддин Турсунов фермага бир кириб ўтайлик, деяверди. Давлат хўжалигининг директори Усмонжон Исабоев дам олишда, унинг вазифасини вақтинча шу йигит бажариб турган экан. Агар ҳалиги қатъияти, кираверишдаги лавҳа бўлмаганида, бу ер истироҳат боғининг кенг майдонини эслатарди. Рўпа рамизидаги бир қаватли ғиштин бино шунчалик шинам, файзли эдики, беихтиёр киши диққатини ўзига жалб этарди. Поёндозлар тўшалган йўлакдан ўтаётиб, ҳамроҳим ёнхонадан иккита оқ халат олиб чиқди.

— Сут-гўшт чорвачилигига мўлжалланган бу комплекс 1979 йили ишга туширилган, — ҳозиргина ювиб чиқилган каби топ-тоза майдонни кесиб ўтиб, деворлари оппоқ ялтироқ бино сари борар эканмиз, Сирожиддин оҳиста сўзлаб борди. — Ўшанда хўжаликда 1,5 минг бош қорамол бўлиб, сигирлар 400 бош эди. Ҳеч қачон чорва бизда зиёнига ишламаган. Сабаби — раҳбарлар, мутахассислар омилкор, ҳисоб-китобли бўлишган. Сўнгги беш йилда сигирлар маҳсулдорлиги деярли 100 килограммга кўпайди. Ҳозир ҳар бош сигирдан ўртача 3307 килограммдан сут соғиб олаяпмиз. Гўшт ҳам кўпайиб, йилига 250—290 тоннани ташкил этаяпти. Ҳозир фермамизда 1700 бош қорамол, шу жумладан, 650 бош сигир бор.

Молхонанинг узун йўлагидан бораяпмиз. Ўнгу сўлда чорвадорларнинг дам олиш хоналари, лабораториялар, сут совутиш қурилмаси ўрнатилган жойлар. Ҳаммаёқ янги тушган келини бор хонадондагидек саранжом-саришта, топ-тоза. Шу аснода ҳаёлимга бир нарсани сиғдира олмай қолдим: ахир, бу ер бир молхона бўлса, нега ҳамма ўрганиб кетган, ҳатто одамларнинг вужудига сингиб кетадиган ҳид сезилмайди? Наҳотки чорва биносини ҳам шу даражада батартиб сақлаш имкони бўлса?

— Изласа, имкони топиларкан, — ҳуфёна тааччубимни пайқагандек сўзлайди Сирожиддин. — Раҳбар покиза-ю, талабчан бўлса иш шароити ҳақида қайғурса, мана кўриб турибсизки, шундай шароитни яратиш мумкин.

Молхона ҳам тоза эди. Икки томонида мураккаб қурилмали охурлар. Фақат тажрибали кўзгина моллар эрта билан ташқарига олиб чиқилгач, ҳаммаёқ тозаланиб, супуриб-сидирилиб чиқилганини пайқаши мумкин. Бош зоотехник йўл-йўлакай энгашиб, тозалаш лентаси занжирларини кўздан кечириб чиқди, ускуналаримиз ҳийла эскирди, яхшилаб созлаб олишимиз керак, деб қўйди.

Бузоқларни совуқда тоблаб ўстириш қурилмаларини ёнлаб бормоқдамиз. Хўжаликда ҳар юз сигирдан бузоқ олиш йилдан-йилга кўпайиб, 82 тага етди. Ҳаммасини соғлом ўстириш, тўла сақлаб қолиш сут, гўшт кўпайишининг қулфи. Калит чорвадорлар қўлида — бузоқларни турли ҳолатда, хилма-хил шароитда парваришлаб, мақбулларини танлаб олишади.

Айтиш мумкинки, бу ерда сут анча-мунча арзонга тушаяпти. Унинг бир центнери учун хўжалик 28 сўм 80 тийин сарфлаяпти. Тўғри, бу молия-хўжалик режасида кўзда тутилганидан 55 тийин қиммат.

Бунинг сабаблари анчагина, —изоҳ беради Сирожиддин. — Илгарилари хўжалигимиз давлатга топширган пахтаси учун 800 тоннагача омухта ем оларди. Ҳозир шу тамойил патрат топди. Ўзимиз етиштирган озуқани қайта ишлаб, тўйинтирамиз. Барибир унинг таркибида керакли моддалар етарли бўлмайди. Асосийси хўжалик фойдаланадиган энергия қуввати, ҳатто сувнинг ҳам баҳоси кўтарилиб кетди.

Шундай шароитда ҳам сут таннархи теварак-атрофдаги хўжаликлардан сезиларли арзон. Бунинг бир қатор омиллари ҳақида гапириб беришди. Аввало, маҳсулдорлик юқори. Илғор соғувчилар бир сигирдан 3800—4000 килограммга етказиб сут соғишаяпти. Иккинчидан, сутнинг сифати алоҳида эътиборда. Шу аёзли қиш кунлари сутнинг ёғлилиги 4,1—4,2 фоизни ташкил этди. Фақат шу туфайли хўжалик ҳар куни 600 сўм атрофида қўшимча даромад олаяпти. Ўтган йили давлатга сотилган 1814 тонна сутнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Икки сорт сутнинг баҳосидаги фарқ ҳар тоннада 32 сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак, бу ерда ишлашни ўрганиб олишга иқрор бўламиз.

— Бу йил ўз олдимизга сутнинг 30—40 фоизини олий сортга сотиш мақсадини қўйдик,— суҳбатга қўшилади ветеринария врачи Абдужамил Маллабоев.— Бунинг асосий омили тозалик. Иккинчи омил — ҳар соғинда дастлабки юз граммча сутни ажратиб олишди. Бунда давлатга топшириладиган сут елин учидаги микробпикробдан ҳоли бўлади. Учинчидан, озуқа таркиби оқсилга, турли витаминларга бой бўлиши ҳаракатидамиз. Тўртинчидан, сигирларнинг соғлиғига, қолаверса, елинда бирор асорат, оғриқ пайдо бўлмаслигига эътиборни кучайтирганмиз.

Кўп, арзон ва сифатли сут соғиб олишнинг яна бир етакчи шарти — ем-хашак мўл-кўллиги. Хўжаликда маккажўхори дони ва кўк пояси, беда, озуқа лавлагисининг ҳосили муттасил юқори. Абдуваҳоб Ғойипов, Облоназар Норбоев бригадалари бу борада бутун бир мактаб. Ёлғиз лавлагининг ўртача ҳосили 600 центнерга етди. Оила пудрати асосида ишловчи олтита звено ташкил этилган. Уларнинг ҳар бири 5 гектардан майдонда деҳқончилик қилишаётган. Муротали Рўзиев 200 ўрнига 350 тонна, Абдурасул Мамазохиров 331 тонна лавлаги ундириб беришди.

— Бу ҳосилнинг ҳар центнерига 2 сўм 47 тийиндан сарфладик,— хўжаликнинг бош экономисти Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи Павел Ермилов жўшиб гапиради.— Билсангиз, таннархни 29 тийин арзонлаштириб, шу соҳанинг ўзидан 4568 сўм тежадик, Тома-тома кўл ҳосил бўлиши аниқ-ку,— Павел Петровичнинг чеҳраси кутилмаганда тундлашди.— Лекин қанча тежамайлик, давлатдан олаётган воситаларимиз нархи тобора осмони фалакка сапчияпти. Маккажўхори силосини олинг. Ҳар центнери мўлжалимиздагидан 87 тийин қимматга тушди. Сабаби — машина, минерал ўғит баҳоси кескин кўтарилиб кетди. Эътибор беринг: ўтган йили сутчиликдан 157 минг сўм соф фойда олдик. Лекин бунинг 74 мингини бўрдоқичилик «хўплаб» кетди...

— Хўш, шундай шароитда соғувчилар, молбоқарлар меҳнати қадр топаяптими?

— Умуман, иш ҳақи 70 фоиз кўтарилди.— Ермилов ҳисобот дафтарини варақлаб, тегишли жойини топди шекилли бизга ўгирилди.— Сут соғувчи Баҳринисо Ниёзматова бултур иш ҳақи, турли кўринишдаги мукофотларни қўшиб 6788 сўм даромад олди,— бироз тин олгач, Павел Петрович ҳазил қилди.— Энди ойлиги қанча тушишини аниқлаш учун ЭҲМ керакмас. Аширбуви Хошимова, Розия Соқиева, Гулсун Фозилова каби сут соғувчиларимизнинг ойлик ўртача маоши 507—544 сўмга етди. Узрли сабабларга кўра йил бўйи тўла ишлай олмаган Дилбар Отабоева, Гулнора Мақсудовалар ҳам 258—272 сўмдан маош олишди.

Қорамоллар яйратиб қўйилган сайхонликни ёнлаб ўтиб, иссиқхона олдида тўхтадик. Қозонлар гувиллаб ишлаб турибди,. Цехларда мураккаб машиналар хашак, лавлаги, донни майдалаб, қориштириб, буғлаяпти. Шу аёзли қиш кунларида чорва дорнинг қўлини совуқ сувга урмай ишлаши кишини қувонтирди. У ҳамма юмушларни кўк, оқ, қизил тугмачаларни босиш билан бажаради. Тўла электрлаштирилган, машиналаштирилган молхоналарда оғир қўл меҳнатига на ҳожат ахир?

Чорвадорлар унумли меҳнат қилишлари учун ғамхўрлик катта. Дам олиш хоналарида кўрпачаю юмшоқ болишлар. Мўъжаз залда мебеллар қатор. Ён бинода профилакторий. Фин ҳаммомининг эшиги очилиши билан иссиқ-қуруқ ҳаво юзга урилади. Муолажа хоналарида турли физиотерапия ускуналари муҳайё. Ҳар куни тушликкача дўхтир одамларни қабул қилади, касалигига қараб муолажани ташкил этади.

— Аввалларидан чорвадорларимиз орасида касаллик бот-бот учрарди,— деди хайрлашаётганимда бош зоотехник.— Дардни улғайтирмай, унинг олдини олиш афзаллигини кўриб турибмиз. Сарф-ҳаражат мақсадни оқлаяпти — бугун жамоамизда сурункали беморлар, юқумли касалликларга чалиниш ҳоллари деярли йўқ. Одамлар соғ, бардам бўлгач, ишда барака, унум ҳам ошяпти.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

ПАХТА тайёрлаш пунктимиз унча катта эмас. Ҳар йили минглаб тонна «оқ олтин»ни бунтларга босамиз. Ўтган йили Ўрта Чирчиқ районидаги уч хўжаликда жами 7164 тонна пахта тайёрлаган эдик. Бу ишда янги усул қўлланилмоқда. Ҳар бир бригадада етиштирилган ҳосил айрим-айрим сақланяпти. Пахтакорлар билан ҳисоб-китоб ишлари ана шу хом ашёдан тайёрланган толанинг сифат даражаси қандай бўлишига қараб узилкесил амалга оширилмоқда.

Хом ашё яхши сақланганни учун толасининг сифати ҳам дуруст бўлди. Айниқса юқори навли тола назарда тутилганидан анча кўп бўлди. Натижада қўшимча маблағ ишлаш имкони туғилди. Шундай навли толалар олинган пахтани етиштирган бригадаларга қўшимча ҳақ тўланди.

Пунктимизда тайёрланган «оқ олтин» ҳосилидан сифатли тола ажратиб олинганини шундан ҳам билса бўладики, унинг ҳаммаси хорижий мамлакатларга юборилди. Қатор капиталистик давлатлар, шунингдек, Чехословакия, Венгрияга етказиб берилди. Уларнинг бирортасидан шикоят хати олингани йўқ.

Ҳосилнинг тез ва сифатли тайёрланишида пункт ва унинг асбоб-ускуналарини янги мавумга пухта ва сифатли тайёрлаш, ишчи-хизматчиларнинг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Пунктдаги барча пахта Қорасув пахта тайёрлаш заводига қисқа муддатларда етказиб берилди. Шундан сўнг янги мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Пунктимиз 25 февралдаёқ тўла тахт қилинди. 15 та транспортёр, қуритиш ва тозалаш цехи тўла созланди. Пахтани қуритиш аппаратлари, пахта намини сўрувчи 6 та вентилятор қўлдан чиқарилди. Ёнғинга қарши кураш учун фойдаланадиган асбоб-анжомлар қайта созланди. Бошқа мосламалар ҳам янги мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Бундай ишларни амалга оширишда пунктимизнинг барча ишчи-хизматчилари фаол қатнашдилар. Меҳнатда кўпчиликка намуна бўлган А. Абдурафиев, С. Қуртмуллаев, И. Раимбердиев, А. Эргашевлар моддий рағбатлантирилиб, уларга пул мукофотлари берилди.

Қ. СУЛТОНОВ,
Тўйтепа пахта пункти мудири.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

КЕЙИНГИ йилларда қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, уларда истиқомат қилувчиларнинг моддий-маънавий турмуш даражасини яхшилашга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бу хайрли режаларни амалга оширишда «Узагростройнинг 541-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда. Улар Паркент ноҳияси маркази ва хўжаликларида кенг ҳажмда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг қадоқ қўллари билан бунёд этилган турли бинолар кўпчилик қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Колонна жамоаси зиммасидаги вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилиб ишлаяпти. Шунинг учун ҳам қурилиш ишлаб чиқаришини муттасил такомиллаштирянти, илғор иш усуллари тобора кенг қўлланмоқда. Айниқса, жамоа хўжалик ҳисобини жорий қилиш яхши натижалар бермоқда. Қурувчиларнинг ўтган хўжалик йилидаги меҳнатлари натижаси анча баракали бўлди. Режадаги ҳамма иморатлар муддатида қуриб битказилди. Паркент шаҳри марказида ва ноҳия хўжаликларида 3528 квадрат метр ҳажмли уй-жойлар, болалар боғчаси ва бошқа бинолар қад ростлади.

Бунёдкорлар бу йил ҳам ишга астойдил киришдилар. Ҳозирги кунда колоннадаги барча участка ва бригада жамоалари ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилишмоқда. Маъмурият эса уларни зарур қурилиш материаллари билан тўла таъминлашга эришмоқда. Шу сабабли иш бир маромда олиб бориляпти.

Колонна қурувчилари бу йил қатор йирик иморатларни қуришади. Улар йил охиригача 3 та замонавий мактаб, 2 та кўп қаватли 16 ва 26 оилага мўлжалланган уй-жойлар, ноҳия алоқа бўлимининг биноси ва Чангиқўрғон Кенгашининг биносини барпо этишади. Бундан ташқари бўрдоқичилик базасининг янги биносини, «Қуёш» қўрғонидаги қатор уй-жой биноларини қуриб берадилар.

Айни пайтда Паркент марказида колоннанинг Абулқосим Аҳмедов етакчилигидаги участка қурувчилари иккита кўп қаватли уй-жойни жадал барпо этишяпти. Улар бу уйни шу йилнинг I ва III чорагида битказишга ҳаракат қилишмоқда.

А. ЖАББОРОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ИСТИҚБОЛ УМИДЛАРИ

● РАСМИЙ манбаларга қараганда шу йил 9—11 апрель кунлари СССР Ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних Совет-Греция муносабатлари доирасида тарихда биринчи марта мазкур мамлакат пойтахти Афинага ташриф буюради. Греция ташқи ишлар вазири А. Самарас ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида мазкур сафар ҳар иккала мамлакат ўртасида янги даврни бошлаб беради, деб айтди. Маданий анъаналар, дўстлик ришталари, иқтисодий ҳамкорлик ҳамиша мамлакатларимиз ўртасидаги яхши алоқаларни белгилаб келган, деди вазир, бундан кейин ҳам истиқболдаги яхши умидларга мўлжал олишимиз лозим.

МАНДАТ ТОПШИРИЛДИ

● МАЪЛУМКИ, яқинда Италияда ҳукумат инқирози рўй берган эди. Шу воқеадан сўнг жаҳондаги оммавий ахборот воситалари шарҳчилари Италияда янги ҳукумат тузилармикин ёҳуд парламентга янги сайловлар ўтказилармикин, деган саволлар устида бош қотиришаётган эди. Кўринишдан парламентга сайловлар бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Италия Жумҳурияти президенти Ф. Коссига ҳукумат тузиш учун ваколатни истеъфога чиққан ҳукуматга раҳбарлик қилган Ж. Андреоттига қайта топширди. Ҳали тузилмаган ҳукумат «Андреоттининг еттинчи ҳукумати» ёки «Андреотти-VII» деб ном олди. Ўтган шанба куни «эски—янги» Бош вазир ҳукумат тузиш учун сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан дастлабки маслаҳатлашувларни бошлади. Бу маслаҳатлашувлар бугун тамом бўлади, деб кутилмоқда. Янаги ҳафтага Киджи саройида ҳукуматнинг янги таркиби эълон қилинса, ажаб эмас.

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● 7 АПРЕЛЬ куни ўзининг ХХРга қилган сафари тугагач, Япония Ташқи ишлар вазири Таро Накаяма журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, мазкур сафар ХХР ва Япония ўртасидаги алоқаларга янги сифат бахш этди, деб айтди.

● ФОРС кўрфазидаги уруш бошланиши арафасида фаластинлик Ҳамза Абу Зайд Фаластин Озодлик Ташкилотининг юқори мартабали уч нафар раҳбарини отиб ўлдирган эди. Фаластин трибунали унга ўлим жазоси бериш тўғрисида ҳукм чиқарди. Ҳукм шу ой давомида Яманда ижро этилади.

● ЭРОН ислом жумҳурияти Ички ишлар вазирлиги тарқатган ҳужжатда айтилишича, сўнгги кунларда Ироқдан Эронга 550 мингга яқин қурд миллатига мансуб кишилар қочиб ўтдилар. Теҳрон радиоси эшиттиришига қараганда, ҳар иккала мамлакат чегарасида яна минглаб ироқликлар ўз ватанларини ташлаб кетиш учун чоғланиб турибдилар.

● ЖАММА ва Кашмир вилояти туризм идорасининг раҳбари М. Ашраф Ҳимолай тоғларининг энг баланд жойларида экологик муҳитнинг бузилганлигини айтди. Унинг гапларига қараганда, Қувайтда ёнаётган нефть манбаларининг қора тутунлари бу ерларгача етиб келди. Денгиз сатҳидан 5,5 минг метр баландликдаги Гунда ва Сонмарг худудларида қора қор ёғди. Қора мойли қурумнинг қалинлиги беш сантиметрга етди.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ

● АЛБАНИЯДАГИ сайлов участкалари яна қайта жонланди. Бу ерда парламент учун бўлган сайловларда етарли даражада овоз ололмаган номзодлар учун овоз беришнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. 31 март куни бўлиб ўтган сайловда Албания меҳнат партияси жуда катта муваффақиятга эришган эди. Унинг номзодлари учун 65 фоиз овоз берилди. Эндиликдаги сайловлар эгалланмай қолинган 20 ўриннинг эгаларини белгилаб беради. 15 апрель куни янги сайланган парламент аъзолари ваколатлари конституциявий равишда мустаҳкамлаб қўйилади, шундан сўнг парламент ишга киришади.

● АЛБАНИЯ фуқаролари ҳорижий мамлакатларга кета бошлаганларида улар эркин ҳаёт ва меҳнат қилишни кўзлаб йўлга чиққан эдилар. Кейинги маълумотлар бу йўлда уларни кўпгина тўсиқлар кутаётганлигини кўрсатди. Сўнгги пайтда қочоқларнинг сони кескин камайди. Суратда: Грециягa келган албан оиласи.

Камера Пресс — ТАСС сурати.

ТАЖРИБА ФОЙДА БЕРДИ

БУСТОНЛИҚ. Фрунзе номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ўтган йилнинг август ойида 125 гектар майдонга пиёз уруғи қадаган эдилар. Ҳозирги кунга келиб қуёш нуридан баҳра олаётган экинлар ривожланишнинг авж палласига кирди. 44 гектар майдонга эса карам кўчати экиб бўлинди. Хўжаликда лавлаги, картошка экиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Асосий эътибор уруғликнинг бехато униб чиқишига, кўчатларнинг ривожланиши ва ҳосилга киришига қараб озуқа майдонини етарли миқдорда қолдиришга қаратилмоқда. Бу ишда Э. Жамолов, Қ. Суленов бошлиқ бригадалар аъзолари алоҳида ўрнак кўрсатиб, кўзланган мақсадга эришиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Механизатор Э. Жонузоқов техника имкониятидан унумли фойдаланмоқда. Сабзавоткорлар бу йил 20 гектар майдонда лавлаги, 15 гектар ерда картошка ва помидор етиштиришни режалаштирганлар.

Қўзилатиш мавсумини давом эттираётган чорвадорларнинг ҳам қўли-қўлига тегмаётир. 6458 та қўзи олишни мўлжаллаган қўйчивонлар ҳозиргача 3100 га яқин соғлом насл олишди. Бу тадбирни амалга оширишда А. Қўшкенбоев, А. Таубоев каби чўпонларнинг кўп йиллик тажрибаси қўл келмоқда.

(Ўз мухбиримиздан).

Тошкент ҳақиқати ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТЎЛА ТАСДИҚЛАНДИ

Рўзномамизнинг шу йил 17 январь сонида «Яна пича қутайлик-чи» сарлавҳали фотоайбнома босилган бўлиб, унда Янгийўл шаҳар савдо корхоналарида республикамизнинг ўзбек тилига Давлат маҳкоми бериш тўғрисидаги қонуни ўта суст бажарилаётгани танқид қилинган эди. Бу материал юзасидан корхона раҳбари М. Мирзакаримовнинг имзоси билан олинган жавобда фотоайбномада ва унинг танқидий шарҳида келтирилган далиллар тўла тасдиқланганлиги қайд қилинган. Материал шаҳар савдо корхонаси йиғилишида муҳокама этилган. Дўконлар пештоқидаги русча номларни ўзбекчалаштиришни жадаллаштириш тадбирлари кўрилмоқда, махсус рассомлар жалб этилмоқда. Жавобда қатор савдо шахобчаларида бу иш бажариб бўлинганлиги ҳақида ҳам хабар қилинган.

КЕЛИН-КУЁВЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ёшларга бахт тилаймиз

Ғалаба райони маркази Солдатский шаҳрида янги «Келин-куёвлар уйи» деб номланган дўкон очилди. Бу дўкон жумҳуриятимиз Президенти Фармонига жавобан ёш оилалар учун яратилаётган қулайликлардан биридир. «Келин-куёвлар уйи» районда ягона бўлиб, барча янги оила қураётган ёшларга марказлаштирилган усулда хизмат кўрсатади.

«Келин-куёвлар уйи»нинг очилиш маросимида кенг жамоатчилик, райондаги барча қишлоқ Советларининг раиелари, матлубот жамиятларининг раислари, партия хўжалик фаоллари иштирок этди. Район Кенгашининг масъул ходими Ҳ. Аҳмедов ва район матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси Ж. Отабоевлар йиғилганларга бу дўкон хизматидан келин-куёвлар қандай тартибда фойдаланишлари ҳақида қисқача тушунтириб бердилар. Шунингдек, харидорларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекона никоҳ тўйларимизда ота-оналаримиз, қолаверса келин-куёвларимиз учун қимматга тушадиган гилам ва мебеллар Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорида белгиланган нархларда сотилмоқда. Бунинг учун келин ва куёв никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхасини ҳамда район гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш бюроси мудири томонидан берилган ягона нусхадаги маълумотномани дўкон мудирига келтириб берса бас. Дўконда нафақат гилам ва мебель, балки уй-рўзғор учун керакли барча нарсалар бор. Ана шу буюмлар барчага баробар бўлишини таъминлаш учун дўкон пештоқига дўконнинг ишлаш тартиби билан бир қаторда бериладиган нарсалар миқдори ҳам кўрсатиб қўйилган. Келин-куёвларга буюмлардан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари — ун-гуруч, ёғ, қанд, чой ва ҳоказолар ҳам бир маротаба шу ердан берилади.

Бугунги кунда келин-куёвлар учун зарур бўлган молларни ўз вақтида, улар истаган турларни етказиб бериш мушкул иш. Буни ҳисобга олган Солдатский шаҳар матлубот жамияти етишмай қолган молларни бир ой ичида топиб беришни ўз зиммасига олган. Бундан ташқари аҳолини никоҳ тўйидан бошқа тўй ва маъракаларида керакли духоба тақсимлашдаги чалкашликларга ҳам барҳам берилди. Илгарилари духоба қишлоқ Советлари орқали тарқатилган бўлса, эндиликда район ижроия комитетининг рухсатномасига кўра «Келин-куёвлар уйи» дўкони орқали марказлаштирилган усулда тақсимланади. Аҳоли талабини тўлиқ қондириш учун аниқ ва пухта ҳисоб-китоблар қилиниб, уларнинг эҳтиёжи ўрганиб чиқилди.

Ёш келин-куёвлар Гулжаҳон ва Мирзааҳмад Сайдазамовлар «Келин-куёвлар уйи» дўконининг биринчи харидорлари бўлишди. Улар Президентимиз Фармонида кўрсатилганидек, арзонлаштирилган нархда гилам ва мебель билан бирга холодильник, телевизор, чинни буюмлар ва бошқа уй-рўзғор учун зарур нарсаларни шу ердан харид қилиб олдилар.

З. ИСРОИЛОВ.

• *Абдулла Қодирий таваллудининг 97 йиллиги*

МИРИШКОР, ТАДБИРЛИ, ИШБИЛАРМОН ЭДИЛАР

АБДУЛЛА Қодирий... Бу табаррук номни тилга олганимизда, биз, энг аввало «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» сингари беназир китоблар муаллифининг қадрдон сиймосини кўз ўнгимизга келтирамиз. Шунда шахсга сиғиниш даври ўзбекнинг пешонасига битилган нодир истеъдодни— улуғ инсонни ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмай ўз комига тортиб кетганига ачинамиз. Беихтиёр қанчадан-қанча етук знёлиларимизнинг бошига етган ўша машъум йилларга лаънатлар айтамиз, маломат тошлари ёғдирамиз. Шунинг учун ҳам биз ўша бевақт қурбон бўлган ота-боболаримизни тез-тез эслаб, ёд этсак, уларнинг руҳини шод қилган бўламиз, бундан охир-оқибатда ўзимиз ҳам маънавий жиҳатдан юксаламиз.

Эртага Абдулла Қодирий (1894—1938) таваллудига 97 йил тўлади. Шу муносабат билан биз атоқли ёзувчининг кичик ўғли — Масъуд Абдуллаевнинг эсдаликларини муштарийлар ҳукмига ҳавола этар эканмиз, бу хотиралар адиб ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади деган умиддамиз.

БОҒ КЎЧАМИЗДА анча ёшга борган, қорачадан келган Қосим ака исмли киши яшарди. У киши бизнинг кўчадан ўтиб қолсалар, баланд овоз билан:

— Қани, менинг Жулқунбой акам?— деб кўз ёши қилиб, дадам руҳига тиловат қилардилар. У киши ҳам анча ёшга кириб вафот этдилар.

Бир куни Қосим ака дадамни эслаб шундай ҳикоя қилгандилар:

...1928 йиллар бўлса керак. Абдулла ака мени кўчада учратиб, ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг:— Мулла Қосим, нима иш қиляпсан?— деб қолдилар. У вақтда ҳеч қандай ҳунарим йўқ эди. Давлат ишида ишламайман. Кичкина боғимиз орқасидан кун кўриб юрардим. Қисқаси, бекорчи эдим. Қўққисдан берилган саволга довдираб жавоб беролмай жим туравердим. Абдулла акам кулиб елкамга қоқиб:— Бўш бўлсанг, эртага бизникига ўтгин,— деб ҳайрлашдилар. Ўша пайтларда «Кимсан, Абдулла муштум!» деб донғилари кетгани учун қўрқиб эрта билан уйларига бордим. Абдулла акам бошларида оқ қалпоқ, оқ кўйлакиштон, қўлларида кетмон, ҳовлида бир ишнинг режасини тузиб турган эканлар.

— Ҳозир нима юмуш қиляпсан?

— Бекорчиман,— дедим.

— Бўш бўлсанг сенбоп бир иш бор,— дедилар-да, пастки боғга бошлаб чиқдилар. Ҳозир шийпон қурилган ерда ўсиб ётган қайрағочларни кесиш, тўнкаларини ковлаш ва ерларни чопишни буюрдилар. Мен рози бўлиб ишга киришиб кетдим. Бирор ҳафта ичида анча ердаги дарахтларни кесиб, тўнкаларини қазиб, ерни тозалаб қўйдим. Абдулла акам бу ишларни бажаришда мен билан баравар тер тўкдилар.

Кейинги ҳафтадан бошлаб қўшнилари — Сотволди акани ҳам ёнимизга олдилар. Мен у киши билан яқиндан таниш эмасдим. Сотволди ака —асли чимкентлик экан. Ўзларининг айтишларича, Абдулла акам у кишини илгари ҳам ерларида ишлатган эканлар. У кишининг ҳалоллиги ва меҳнатсеварлигини кузатиб, ёнларидаги ташландиқ ҳовлини сотиб олишга қўмаклашган ҳам эканлар. Шундай қилиб Сотволди ака Абдулла акамга қўшни бўлиб қолганлар.

Абдулла акам икковимизга ҳар ўн беш кунда бир қўй баҳосида пул бериб турдилар. Тез орада ерлар текисланиб, кунлар исиши билан девор олишга киришдик. Абдулла акам пахсага тайёрланган лойларни оёқлари билан пишитар, пахсанинг юқори қисмига лой узатишга ёрдамлашар, катта идишда яхна чой тайёрлаб, бизга узатар, қизиқ ҳангомалардан ҳикоя қилиб берардилар.

— Бир куни — кулиб гап бошладилар Абдулла акам,— икки кишини бозордан ёллаб келдим, нонушта пайтида кузатсам, уларнинг бири—чимхўр, бошқаси — гапхўр экан. Шу куни уларни ишлатиб, кечликдан сўнг икковига келишилган пулнинг уч кунлигини бериб хайрлашдим. Чимхўри пулнинг чўғи қўплигини сезиб:— Муллака, бизнинг қайтишимизга ишонасизми? Уч кунлик ҳаққимизни берибсиз,— деди.

— Мен розиман, ишим битди,— дедим.

Гапхўри тушунмай, нега ундай қилганимни яна сўровди:

— Кам овқат еган ҳам, кўп сўзлаган ҳам кам ишлайди,— деб уларни кузатиб қўйгандим...

Ерларни тўнкалардан тозалаб, кейинги йили қовун, тарвуз, қовоқ экдик. Ер кучли бўлгани учун ҳосил мўл бўлди. Тарвузнинг бир донаси замбилга сиғар, қирқма, босволдининг ҳар бир донасини беш-олти киши зўрға танаввул қиларди. Абдулла акам: «Сизларнинг меҳнатингиз эвазига ҳосил яхши бўлди. Уйга олиб кетинглар»,— деб бизни роса сийладилар.

Кейинги йили Абдулла акамни кўрай деб келсам, у киши шийпон қаршисидаги девор тагидан узун ўқариқ олиб, терак қаламчаларини экаётган эканлар.

Салом-аликдан сўнг ёрдамлаша бошладим. Абдулла акам:

— Қосимбой, мана шу экилган тераклар беш-олти йилда иморатбоп бўлиб етишади, кўчага салқин ҳам бериб туради,— дедилар...

Мана, Абдулла акамнинг боғларида ишлаб ўрганган саржинчилик, пахсачилик ҳунарлари билан кун кўриб, бола-чақа боқиб келяпман...

* * *

1930-йилларда пастки ҳовлимизнинг қунботар томонида тепаликка ёндошиб пастдан юқори ҳовлига қаратиб ковланган, ҳар бирининг катталиги: энига икки, бўйига 1,5 метр келадиган икки ерда ўралар бўларди. Уларнинг усти очиқ, қор-ёмғир ёғиши ҳисобига путурдан кетиб, ўпирила бошлаганди. Баҳор ойларида мен варрак учириб юриб, ўша ўраларнинг бирига тушиб кетдим. Ўранинг ичи қоронғилигидан қўрқиб додлай бошладим. Бироз ўтгач атрофни тимирскилаб, пастда туйнук борлигини сезиб, тезда эмаклаб чиқдим. Ташқарида дадам юмуш билан банд эдилар. Кўзлари менга тушиб хо-холаб кулиб юбордилар. Мен яна йиғлашга тушдим. Дадам баттар кулардилар. Йиғимни эшитиб ойим ичкаридан чиқдилар. Ойим ҳам дадамга қўшилиб кула бошладилар.

Олдимга келиб:— Сенга нима бўлди?— деб уст-бошимни қоқдилар. Кейин билсам, ўра ичидаги кўмир қолдиқларини юзимга, кийимларимга суркаб кулгили аҳволга келган эканман. Ойим ва дадам мени ювинтириб кийинтиришди. Дадам сўрадилар:

— Масъуд, қўрқдингми?

— Ойим эса:— Отабегим дулла бир сўзли, айтганини қиладиган, мўлжаллаган ишини бажарадиганлардан эди. Ниятига ҳам етди. Боғни жаннатга айлантирди, лекин ўзи унинг роҳатини кўрмай кетди...

Бир куни менга:— Ака, боғдан чиққан ўтинлар, худо ҳоҳласа, беш-олти йилга рўзғорга етади. Манави қайрағоч тўнкаларининг ҳам илоҳини ўйлаб қўйдим. Сиз бош-қош бўлсангиз ҳал бўлади,— деди.

Мен:— Нимани мўлжалладинг?— деб сўрадим. Абдулла кулиб:— Ака, қишда иссиқ сандалда ўтиришни яхши кўрасиз. Шунинг учун анави ерга ўра тайёрлаб, тўнкаларни ёқиб, писта кўмир қилсак. Қалай? Менинг режам маъқулми?— деди. Мен розилик билдириб, эртасита Абдулла кўрсатган жойдан ўра қазий бошладим.

Инқилобдан олдин ҳозиргидақа кўмирлар йўқ эди. У вақтларда кўмирга бечора фуқаролар етиша олмасди. Шунинг учун катта ҳовлиси борлар ҳосилдан қолган довдарахтларни кесиб, қўнқўшни кўмагида ўра қазиб, тўнкаларидан писта кўмир тайёрлаб олар, ортса сотар эдилар. Мен ва Абдулла писта кўмир тайёрламаган бўлсак-да, аввалдан эшитиб, кўриб юрганимиз учун ўн-ўн беш кун ичида ўранн қазиб тайёрладик. Ичига тўнкаларни зич қилиб териб, ёқиб, устини суваб, мўрконн (тутун чиқадиган жойи —М. А.) ни ҳам қуриб, ўранинг тагидан кичкина туйнук қолдирдик. Тўнкалар бир ҳафтада ёниб, тутаб, писта кўмир тайёр бўлди.

Абдулла тўнкалардан қутилганига, мен эса Роби опоқингга уч-тўрт йиллик кўмир тайёрланганлигига хурсанд бўлдим. Абдулла миришкор, тадбирли, ишбилармон, қолаверса, ёзувчиликда ҳам саркарда эди.

Масъуд АБДУЛЛАЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН

КУНИ КЕЧА жумҳурият ойнаи жаҳонининг «Экран таништиради» кўрсатувида Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Хўрликдан ўлим тансиқдир» номли янги ҳужжатли фильм илк бор намойиш қилинди.

ЭРТАГА пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида соат 17.00 да Қодирийхонлик кечаси ўтказилади. Унда жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган адиблари, санъаткорлари ва ёзувчининг фарзандлари иштирок этишади.

ҲАҚИҚАТ БОР ЭКАН

Абдулла ҚОДИРИЙга

Йигирма олтинчи йилнинг баҳори,
Инсонга армуғон — яшиллик қани?
Фаслларнинг буюк, боқий сардори,
Сардордан келар иш — яхшилик қани?

Кўздай туйнукчадан хира тушган нур,
Гар нур эрсанг, айт-чи, комиллик қани?
Адолат нигоҳин ким этди басир —
Адиб тақдирига одиллик қани?

Снёҳи қуримай сўнгги бобларнинг
Қалам тутган қўлга кишан урдилар.
Бўҳтонни қўлтиқлаб жаҳолат изғир,
Ҳақ-пастда, нопоклар тўрда турдилар.

Не учун бунчалар бешафқат фалак,
Қодирий айбига бурҳонлар борми?
Муддаони ёзур, лек жоним ҳалак,
Кўнгил кўтаришга хубонлар борми?

Бир «йилт» этган шуъла умид бахш этди,
«Ҳақиқат бор экан!»— тин олар адиб.
Қодирий кўзида нурлар нақш этди,
Ҳақиқатга оқ йўл, у мудом ғолиб!

Маҳфуза ЗАИНИДДИНОВА.

Пойтахтимиздаги қатор мактаблар буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан сермазмун тадбирлар ўтказмоқдалар. Шундай тантаналардан бири Октябрь районидаги Ойбек номли 115-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Бу билим даргоҳида Алишер Навоийга бағишлаб ўқувчилар альбом ҳам тайёрлашди. СУРАТДА: мактаб талабалари ўз ўқитувчилари билан биргаликда альбомни кўздан кечиришмоқда.

Суратқаш
С. МАҲКАМОВ.

● БЕКОБОД шаҳридаги вилоят маиший техникаларни таъмирлаш корхонасига қарашли устахонада Эбазер Мақсудов кўп йиллардан бери ишлаб келяпти. Бирорта бузилиб қолган тикув машинасими ёки электр устарами унинг қўлига тушиб қолса бас, бирпасда «тилга» киритади. Чунки у ўз ишининг моҳир устаси. СУРАТДА: уста Э. Мақсудов.

Суратқаш
М. ҚОРАБЕКОВ.

• *Қидирилмоқда*

ТОҲИРНИ КЎРГАН БОРМИ?

Мана бир ярим ойдан зиёддирки, оиламиз бошига тушган ташвиш бизни қийнаб келмоқда. 1972 йилда туғилган фарзандимиз Тоҳир Давлатов уйдан магазинга чиқиб келаман деб, бедарак йўқолди. Тоҳир руҳий касалликка чалинган бўлиб, ақли бироз заиф. Шунинг учун яшайдиган манзилгоҳимизни аниқ тушунтириб бера олмайди. Исм ва фамилиясини эса тўла айта олади. Ўрта бўй, қора соч, чап қоши устида 1,5 сантиметр тиртиғи бор.

Фарзандимиз Тоҳир Давлатовни кўрган-билганлар бўлса, Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг қуйидаги телефонларига 5-36-19, 5-31-35, 5-37-14, 02 ёки биз яшаётган хонадон — Чирчиқ шаҳридаги Октябрь кўчаси 241-уйга хабар қилсалар бошимиз осмонга етарди.

• *ФУТБОЛ. ОЛИЙ ЛИГА*

ЖАДВАЛНИНГ ҚУЙИ ПОҒОНАСИ

У КОМАНДАНИНГ ҲЕЧ НАРСАГА ҚОДИР ЭМАСЛИГИНИ КЎРСАТАДИМИ?

«Пахтакор» Донецкда мағлубиятга учрагандан сўнг роппароса икки ҳафта ўтди. Ўртада бир турни ўтказиб юборган футболчиларимиз «Торпедо» билан учрашувда енгил ҳаракат қилишлари лозим эди. Бироқ, мўлжалланмаган дам олиш, аксинча, салбий таъсир кўрсатди...

Ҳали ўйингоҳ дикторлари командалар таркибини ўқиб тугатмасдан пахтакорчилар муваффақиятга эришдилар. Пятницкий — Оганесян — Галиев иштирокидаги чиройли комбинация дарвозани ишғол қилиш билан якунланди. Учрашувнинг бундай шиддатли бошланиши оз сонли мухлисларда командага яна ишонч уйғотди.

Очиғини айтганда, кўпгина ишқибозлар «Торпедо»дан ҳайиққан эдилар. Шунинг учун ҳам ўйиндан олдин дурангга рози бўлганлар кўпчиликни ташкил этарди Лекин бу тарздаги дурангга эмас. Пахтакорчилар худди оёғига тош осиб қўйгандек оғир ҳаракат қилдилар. Шквирин, Оганесян, Шариповлар майдонда деярли сезилмадилар. Қосимов секинаста спорт формасига кираётган бўлса ҳам аввалги Қосимов бўлишига ҳали анча бор. Пятницкий дастлабки учрашувларда ташаббусни ўз қўлига олаётган эди, бироқ командадошларининг кайфиятини кўриб, унинг ҳам ҳафсаласи «пир» бўлди. Ҳимоя ҳақида гапираверириб чарчадик. Торпедочилар жавоб тўпини жуда осонлик билан киритишгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Автозаводчилар мураббийси учрашувнинг иккинчи ярми бошланиши билан ҳисобидаги бор янги кучларни майдонга ташлади. Ана шуларнинг бири Юшков ҳимоячиларимиз бўш қолдиришганидан фойдаланиб Перескоков қўриқлаётган дарвозани ишғол қилди.

Янги кучлар бизда ҳам бор эди. Бироқ назаримда Новиков уларни унутгандек эди. Пахтакорчиларнинг чарчаб қолгани яққол кўринса-да, ўйинчи алмаштириш мураббийнинг хаёлига ҳам келмас эди. Фақат ҳужумчиларнинг бири Р. Галиев майдондан елкасини ушлаб чиқиб кетгандан сўнг унинг ўрнига Шуҳрат Мақсудов тушди. Галиевни ўйингоҳдан «тез ёрдам» олиб чиқиб кетиши мухлисларни хавотирлантирган эди. Учрашув тамом бўлгач, уларнинг тахминлари тўғри чиқди. Рақиб ўйинчилабилан тўқнашув пайтида ҳужумчимизнинг елка суяги синган экан.

«Ҳужумга — 5, ҳимояга—3» — торпедочилар мураббийси В. Иванов учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот конференциясида пахтакорчиларга шундай баҳо берди. Новиков эса яна ҳисобида дурустроқ ўйинчилар йўқлигидан нолиди.

Бу ўйиндан сўнг «Пахтакор» мусобақа жадвалида сўнгги ўринга тушиб қолди. Лекин бўлиб ўтган учрашувларни таҳлил қилсак, ҳали бу кўрсаткич ҳеч нарсадан дарак бермаслигини гувоҳи бўламиз. «Пахтакор»ни мағлубиятга учрата олган икки команда жадвалда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб турибди. 5 ва 6 поғоналарда бораётган жамоалар билан эса пахтакорчилар дурангга эришишди. Ана шу кучли командаларнинг биринчилиги ҳали ҳаммамизга маълум.

Хуллас, кураш ҳали олдинда. Бугун Тошкент вақти билан 17 да «Пахтакор» ўтган йилги рақиби «Локомотив» билан майдонга тушади. Ана шу — ўртамиёна жамоа билан ўйин командамизнинг нимага қодир эканлигини кўрсатади.

Умуман, бешинчи турда барча учрашувлар тенг курашлар остида ўтди. Фақат Москванинг «Динамо» клуби янги тренер В. Газзаев раҳбарлигида биринчи ғалабага эришган бўлса, «Металлург» командасининг ўйинчиси Пучковнинг 90-дақиқада киритган тўпи запорожьелик футболчиларга ғалаба келтирди. Турнинг тўлиқ натижалари билан танишгирамиз: «Металлург» — «Динамо» Мн — 2:1, «Динамо» М — «Металлист» — 2:1, «Помир» — «Локомотив» — 0:0, «Спартак» Вл — «Шахтёр» — 1:1, МАСК — «Днепр» — 1:0, «Арарат» — «Черноморец» — 0:0.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. МАСК	5	5	0	0	13—2	10
2. «Шахтёр»	6	2	4	0	6—3	8
3. «Днепр»	5	3	1	1	4—2	7
4. «Арарат»	6	3	1	2	3—4	7
5. «Торпедо»	5	2	2	1	8—5	6
6. «Черноморец»	5	1	3	1	4—2	5
7. «Спартак» М.	3	2	0	1	4—3	4
8. «Металлург»	5	2	0	3	4—6	4
9. «Металлист»	5	2	0	3	4—7	4
10. «Динамо» К.	4	1	2	1	4—5	4
11. «Локомотив»	5	1	2	2	5—8	4
12. «Помир»	5	0	4	1	1—2	4
13. «Динамо» Мн	5	1	1	3	5—6	3
14. «Динамо» М.	5	1	1	3	4—8	3
15. «Спартак» Вл	5	0	3	2	4—8	3
16. «Пахтакор»	4	0	2	2	3—5	2

ҲУШЁР ТОРТАМИЗМИ?

«Пахтакор» ва «Торпедо» командалари учрашувидан олдин спорт мутасаддилари ва футболчиларнинг ишқибозларга қарата мурожаатномалари ўқиб эшиттирилди. Кейин эса бутун ўйин давомида «Пахтакор» раҳбарларининг диққат-эътиборлари фақат командада эмас, балки... ишқибозларда ҳам бўлди. Чунки уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатларидан команданинг кейинги тақдири ҳал бўлиши керак эди. Нега дейсизми? Мен ҳозир тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Командага Ф С. Новиков устоз этиб тайинланганидан сўнг, унинг ўйинларида жонланиш бўлганлигини футбол мухлислари яхши билишади. «Пахтакор» чиройли ўйин кўрсата бошлагандан сўнг ўйингоҳ мухлислар билан тўлди. Ҳақиқий ишқибозлар кўпайгандан кейин команданинг ҳар бир хато ва мағлубиятини оғриниб қабул қиладиганлар сони ортиб борди. Ҳакамнинг нўноқлигидан команда азият чекканда уларнинг фиғони қай даражада ошиши ҳам яхши маълум.

Маълумки, «Пахтакор» — «Днепр» учрашувида ҳамшаҳарларимиз мағлуб бўлишди. Баъзи жойларда ҳакам ҳам хатоларга йўл қўйди. Ана шундай пайтда минглаб ишқибоз бараварига жўр бўлиб ҳакамни... сўкишни бошлади. Тағин бўғин-бўғини билан. У ўзбекчасига бўлганда балки ташқарига чиқмасди, бироқ у атайин, ҳакам тушуниши учун миллатлараро восита тилида ижро этилди.

Бу ҳодиса изсиз кетгани йўқ. Шу йил 22 март куни «Советский спорт» рўзномасида «Правда Востока» футбол шарҳловчиси Эдуард Аванесовнинг «Шундай қилинса хушёр торттирарди» сарлавҳали хабари босилиб чиқди. Унда жумладан шундай дейилади: «Пахтакор» — «Днепр» учрашувида бир гуруҳ ишқибозлар ўйин ҳакамини ҳақорат қилишди. Тошкентдаги ўйингоҳда бундай ҳоллар кучайиб кетмаслиги учун тартиббузар кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш керак».

Очиғини айтганда бундай мақолани шахсан Аванесовдан кутган эдик. Чунки ўша куни учрашувдан сўнг матбуот конференциясига йиғилганимизда ундан бошқа барча спорт журналистлари ҳозиргина стадионда юз берган нохушликдан ғамгин кайфиятда эдилар У эса «Днепр» ютганидан ўзига келолмагандай рақиб команда тренери Е. Кучеревскийни қучоқлаш билан овора эди. Шу пайтда «Пахтакор» марказий ўйингоҳининг директори Я. Якубов кутилмаган таклиф киритди: «Ишқибозларни тинчлантирадиган мақола билан ким чиқиш қилса, 200 сўм мукофот пули ундириб бераман».

Бизнинг шарҳ

Гап мукофотнинг миқдорида эмас, бу иш билан ҳаммамиз шуғулланишимиз лозимлиги, меҳмонлар олдида юзимиз шувут бўлмаслигини ўйлаб ҳаммамиз тарқалишдик.

Якубовку майли, ўзи қилиши лозим бўлган ишни бошқаларга топширди. Чунки ишқибозлар фақат ҳакамдан эмас, ўйингоҳдаги ноқулайликлардан ҳам ранжишади. Таъмирлаш ишлари бир неча йилдан бери тугалланмаяпти. Ҳаммаёқ лой, тупроқ. Ўйингоҳ маъмуриятида бирорта ўзбек бўлмаганлигиданми, ёзувлар ҳаммаси чала яримта, киши ғашини келтиради. Чиптанинг нархи ҳам 3 сўмга етди.

Лекин Аванесов-чи. У уйдаги гапни кўчага олиб чиқиб нима ютди экан? Ўша 200 сўмними? Ахир «Правда Востока» ҳам обрўли рўзнома, муаммоларни ўшанда кўтариб, ҳал қилиш йўлларини изласа бўлмасмиди?! Қизиқ, ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман. Ўша кунлари ҳамма кўча-кўйда Наврўзи айёмдан шодланиб юрса-ю, бир киши хона ичига ўтириб олиб марказий рўзномага мақаллий ишқибозларни таноблини тортиб қўйишни сўраб мақола ёзса.

Айтганча, СССР футбол федерацияси ушбу мақолани муҳокама қилди. Шунингдек, ўйин инспектори А. Филиппенконинг рапорти кўриб чиқилди. Рапортда жумладан, сўкиш ҳеч гап эмас, ҳакамга шиша ва ..тошлар отилгани баён қилинган эди. Ҳақиқатан ҳам, учрашув пайтида майдон четига шиша учиб тушганини кўпчилигимиз кўрдик. Ҳакам уни пайқамади ҳам, фақат меҳмонларнинг ўйинчиси олиб боргандан кейин, у гап нимадалигини англади. Лекин тошлар... Ўриндиқларга қаердан тош келиб қолганлигига ақлим етмаяпти.

Бироқ мақола чиқди, рапорт ёзилди, демакки, чора ҳам кўрилди. «Пахтакор» клубининг президенти И. Фозилов, республика футбол федерацияси аъзоси В. Тихонов ҳамда ўйингоҳ директори Я. Якубовларга «сариқ карточка» кўрсатилди. Бу дегани расмий огоҳлантириш ва 5000 сўм миқдорда жарима солишдир. Демак, энди шу ҳол такрорланса ўйингоҳ учрашувларни ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум этилади ёки СССР футбол федерациясига 20 минг сўмгача миқдорда жарима тўлашимизга тўғри келади. Бу пуллар севимли командамиз учун ишлатилса майли эди-я.

Қиссадан ҳисса шуки, муҳтарам футбол мухлислари, сўз бойлигимизни сал камайтиришга тўғри келади. Агар «Пахтакор» фақат «Пахтакор» ўйингоҳида ўйнашини хоҳласак.

Аброр ХУЖА.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20, 21 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА
Чимкентлик ёш хушовоз хонанда
Одил ҚАРИМОВ
КОНЦЕРТИ

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-31, 44-29-04, 44-17-81, 44-17-84.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Чипталар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
12—14 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
«ЭСКИ ПРИМУС» ПОП-ГУРУҲИ
ва
«ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» ЭРОТИК-ШОУ ГУРУҲИ

ДАСТУРДА: хит-парад совриндорлари, телевизион шоу-программаларининг қатнашчилари,
«МЕНИ ҲАЙДАМА», «БАРДАГИ ҚИЗЧА», «МЕТРОНИНГ ИККИ БЕКАТИ» ва бошқа оммавий қўшиқларнинг ижрочилари қатнашадилар.
Раҳбар — АЛЕКСАНДР БОНДАРЬ.
ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
16, 17 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
«УМИДИМ, ФАХРИМ — БАҲОР!»
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
«ЎЗБЕКИСТОН МАЛИКАЛАРИ» РАҚС АНСАМБЛИ
Рақсларни саҳналаштирувчи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир МУМИНОВ.
Программани — «ҚИЗИҚЧИ—90» кўригининг совриндори Машраб НАЗАРОВ олиб боради.
Чипталар соат 11.00 дан сотилмоқда.

«Ўзбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29, 30 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори
ГИЁС БОЙТОЕВ
ижросида
КАТТА КОНЦЕРТ

Программани — ЎТКИР СИДИҚОВ олиб боради.
Чипталар СССР Халқлар дўстлиги саройи кассаларида сотилади.
МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 45-92-13, 41-74-30.

Буюртма — 5215. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672.